



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,
тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88
факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:
samiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов Иқтисодиёт – инсоннинг юксак тафаккур маҳсули	5
Umar Xudayberdiyev, Sevara Abdinazarovna Babanazarova Aholi daromadlari va ularni ko‘paytirish yo‘llari.	11
Shao Junling Analysis of the role of institutional frameworks in promoting the qualitative development of the economy of the region " Belt and Road"	14
Kudratjon Bakhtiyorovich Dilmanov Characteristics of human power	17
Bekjon Shukurillayevich Musayev Oliy ta‘lim xizmatlarini targ‘ib qilishning nazariy asoslari	21
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Маҳаллада янги иш ўринларини яратиш ва бандликни оширишдаги қулайликлар ва имкониятлар	27
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Инновацион товарларни бозорда силжитишнинг ўзига хос жиҳатлари	33
Шохрухбек Жаҳонгирович Расулов Развитие нового содержания финансов в условиях инновационного развития экономики	36
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ	
Отабек Джурабаевич Джурабаев Определение направлений оптимизации операционной стратегии и повышения экономического потенциала хлопково-текстильных кластеров	42
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдаги муаммолар	46
Жамолиддин Ярашевич Нуриллаев Влияние экономической либерализации на производство и эффективность продукции в мировом овцеводстве и каракулеводстве	49
Лариса Алишеровна Мусабаева B2B маҳсулотларининг мижозлар капиталини таркибий-функционал таҳлил қилиш амалиёти	53
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Shoxista Abdugapparovna Mamasoliyeva Tibbiy xizmatlar ko‘rsatuvchi muassasalar boshqarish tizimini samaradorligini oshirishni iqtisodiy mexanizmlari tahlili	58
Машхур Исмоналиевич Акбаров, Кудрат Шухратович Искандаров Темирўл транспортида йўловчи ташиш сервис хизматларини баҳолаш ва такомиллаштириш йўллари	64
Мурод Максудович Паязов Темир йўл транспорти хизматлар тизимидаги бошқарув механизмининг моҳияти ва ривожлантириш методологияси	70
Зарина Муродовна Муҳаммедова Хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини такомиллаштириш асосида инвестицион ресурслар самарадорлигини ошириш	76

Зарина Муродовна Мухаммедова – СамаИСИ докторанти

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ИНВЕСТИЦИОН РЕСУРСЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Аннотация: мақолада хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини ва ушбу тармоқларни такомиллаштириш масалалари ёритилган. Шунингдек, замонавий хизмат кўрсатиш соҳасининг шаклланишида жамиятда кечаётган ижтимоий ва илмий-техникавий тараққиётнинг таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, соҳа ва тармоқлар, таркибий тузилиши, молиявий хизматлар, таълим хизматлари, суғурга ва нафақа таъминоти, транспорт.

Кириш. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси, кўлами ва таркибий тузилиши бугунги кунда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли республикада “хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг улушини ошириш, кўрсатилётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш” долзарб масала ҳисобланади.¹ Иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқлари ўзаро узвий боғлиқликда ва бири-бирининг кучли таъсири остида ривожланади. Ҳаракатнинг ўзаро таъсири ривожланишнинг объектив ва кўп қиррали тизим шакли сифатида тушунилади, бу, ўз навбатида, ҳар қандай моддий тизимнинг мавжудлиги ва таркибий тузилишини белгилаб беради.² Хизматлар соҳаси ва тармоқларининг бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланиши натижасида, ушбу соҳаларнинг ҳозирги ривожланиш даражасига эришилди ва мамлакатимизда постиндустриал жамиятга ўтишининг илк қадамлари бошланди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Уч секторли иқтисодиёт ва постиндустриал жамиятга ўтиш назарияси ривожига машҳур америкалик олим Д.Белл³ ўзининг “Келажак постиндустриал жамият” номли китобида катта ҳисса қўшди. У “Ижтимоий прогнозлаш тажрибаси” деб постиндустриал жамиятга ўтиш даврида иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш натижаларини берди. Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва уни амалиётга татбиқ этиш, авваламбор уларнинг иқтисодиёти таркибида бўлиб ўтаётган тармоқлар бўйича таркибий ўзгаришлар сабабларини аниқлаш ниҳоятда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқотчи Д.С.Квасова Буюк Британия, Германия ва Франция мисолида ривожланган мамлакатларда учламчи сектор ривожланишини синчиклаб таҳлил қилиб, ушбу мамлакатлар иқтисодиётида учламчи сектор ривожланишининг ўзига хослиги аҳоли турмуш тарзи, унинг менталитети, тарихий ривожланиш хусусиятлари, бошқа соҳалар ҳолати ва албатта, ҳукуматнинг ҳаракатлари таъсири остида шаклланади деган хулосага келган.⁴

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-манتيкий таҳлил, омилли таҳлил, индукция ва дедукция усулларида самарали фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Инсон эҳтиёжлари қанчалик хилма-хил бўлса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолият турлари ҳам шунчалик хилма-хил бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Замонавий хизмат кўрсатиш соҳасининг шаклланишига ижтимоий ва илмий-техникавий тараққиёт ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги ва саноатда катта ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқариш уни айирбошлашни тақозо этади ва бу савдо-сотиқнинг ривожла-

¹ “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сонли Фармони.

² Ивин А.А., Никифоров А.Л. – Словарь по логике. 2014 г.

³ Bell D., (1999). The coming post-industrial society. М.:Academy.

⁴ Kvasova D.S. Development of the tertiary sector of the economy in developed countries. Proceedings of BSTU Series 5, No. 2, 2018, P. 86.

нишига ёрдам беради. Маҳсулотларни айирбошлаш бевосита уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, яъни транспартировка қилиш билан боғлиқ. Бунинг учун эса транспорт ва транспорт хизматларини ривожлантириш керак бўлади. Савдо пул ҳисоб-китоблари билан боғлиқ бўлиб, у молиявий ва банк хизматларининг ривожланишига ёрдам беради.

Кўп сонли ускуналарни ишлаб чиқариш уни таъмирлашни талаб қилади. Шунинг учун, масалан, автомобилларни таъмирлаш хизматлари пайдо бўлди. Фаннинг ривожланиши ва атрофимиздаги дунё ҳақидаги билимларнинг мураккаблашиши таълимнинг ривожланишига олиб келди. Машинасозликнинг ривожланиши ва меҳнат унумдорлигининг ошиши муносабати билан одамларнинг соф даромадлари ошди, уларнинг иш вақти қисқариб, бўш вақти кўпайди, бу эса дам олиш ва туризм соҳасида хизмат кўрсатишни ривожлантиришга хизмат қилди. Бундан ташқари, фан-техника тараққиёти таъсирида машинасозликнинг жадал ривожланиши атроф-муҳит ва ҳаво атмосферасининг сезиларли даражада ёмонлашишига, инсон саломатлиги учун салбий оқибатларга олиб келди. Шунга кўра, атроф-муҳитни яхшилаш, ҳаво ва сув ресурсларини тозалаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва ҳоказолар бўйича хизматлар ҳажми ошди. Юқорида айтилганларнинг барчаси таъсирида ушбу соҳада хизмат кўрсатиш турлари ва корхоналар сони доимий равишда кўпайиб борди ва уларнинг иқтисодий фаолияти ҳажми юқори суръатларда ўсди. Буларнинг барчаси натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзи маҳсулот таннархи бўйича моддий ишлаб чиқаришни ортда қолдирди ва мамлакат постиндустриал жамият сари юксалишда сезиларли муваффақиятларга эришди.

Шу сабабли, иқтисодиётнинг учламчи секторини устун ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этиш масаласи давлатимиз олдидаги асосий вазифалардан бирига айланган. Постиндустриал жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлиғи, кайфияти, меҳнатга муносабати, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлиги, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва тараққиётига бевосита таъсир кўрсатади.

Амалга оширилган назарий тадқиқотлар илмий адабиётларда хизматлар соҳасининг ўзини уч секторга ажратиш (учламчи, тўртламчи ва бешламчи) ва улар ҳисобидан уч секторли иқтисодиётда секторлар умумий сонини бештагача кўтариш таклиф этилган:

учламчи – инфратузилмавий (транспорт, алоқа, электр ва иссиқлик энергиясини узатиш);

тўртламчи – тарқатиш ва айирбошлаш (савдо, суғурта, молия);

бешламчи – ижтимоий-менежмент (бошқарув, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, санъат).¹

Хизмат кўрсатиш соҳасини тизимлаштириш ўзига хос ёндашув америкалик иқтисодчи Дуглас Норт томонидан илгари сурилган. Жамият ҳаётида институтларнинг катта ролини таъкидлаш учун у бутун иқтисодиётда трансформация секторни ва трансакция секторни ажратиш кўрсатишни таклиф қилди. Ушбу ёндашув билан хизмат кўрсатиш соҳасининг бир қисми трансформация секторига (транспорт, таълим), бир қисми эса трансакция секторига (савдо, менежмент, молия) киради.²

Бугунги кунда кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиётида ноишлаб чиқариш соҳасининг ўсиши ва хизматлар соҳасида кескин таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу соҳа ялпи ички маҳсулот ва аҳоли пул даромадлари ўсишининг асосий манбаларидан бирига айланиб бормоқда. Мамлакатимизда охириги йилларда хизматлар соҳасида савдо хизматлари энг жадал ривожланиб бораётгани кузатилмоқда. Савдо ишлаб чиқариш ва истеъмолни ўзаро боғловчи муҳим бўғин бўлиб, товар-пул муомаласига ҳисса қўшади. Савдо соҳаси самарадорлиги кўп жиҳатдан аҳоли эҳтиёжларини қондириш даражасига боғлиқ, чунки товарларни сотиш товар айланишининг якуний босқичидир.³

¹ Сфера услуг - Энциклопедия Кругосвет. // <https://www.krugosvet.ru>

² Дуглас С.Н. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. Перевод на русский язык: А.Н.Нестеренко. – М., 1997. // Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. – 07.09.2013. URL: <https://gtmarket.ru/library/basis/6310>

³ Пыханов Д.А. Теоретические аспекты развития оптовой торговли // Российское предпринимательство. 2008. № 12, вып. 2 (125). С. 109-113.

Хизмалар соҳасининг асосий тармоғларидан яна бири транспорт бўлиб, у одамлар ва товарларни ташиш эҳтиёжларини таъминлайди, товарлар, маҳсулотлар, хизматларни ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчилар ўртасидаги боғлиқликни таъминлайди. Охирги вақтлар транспорт хизматларига талаб кўпаймоқда. Бунинг сабаби шундаки, транспорт ҳар қандай мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳасининг асосий тизимларидан бири ҳисобланади. Минтақанинг ҳаётида транспортнинг ўрни жуда катта.¹ Бизнингча, унинг роли тўғри тушурилса, минтақа ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли ривожланади. Аксинча, транспортга етарлича баҳо бермаслик минтақа ривожланишининг секинлашишига олиб келади. Минтақанинг иқтисодиёти транспортнинг хизмат кўрсатиш соҳалари, саноат корхоналари, савдо ва истеъмол бозори билан ўзаро алоқасига бевосита боғлиқ.

Молиявий хизматлар тузилмасида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари, пул маблағларини олиш ва қайта тақсимлаш бўйича хизматлар устунлик қилади. 2022 йил январь-декабрь ойларида уларнинг улуши 87,9 фоизни ташкил этди.² Сўнгги йилларда мамлакатимиз молиявий хизматлар бозорида масофавий хизмат кўрсатиш ва мобил иловалар орқали онлайн банкинг хизматлари кўрсатиш ҳажми ва турлари сезиларли тарзда кенгаймоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Давлат келажаги жамланган ушбу энг муҳим соҳани ислоҳ қилиш вазифалари босқичма-босқич ҳал этилмоқда. 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг етти устувор йўналишидан бири инсон капиталини ривожлантиришдир. Стратегиянинг 43, 44-мақсадлари бошқа вазифалар қаторида мактабларда таълим сифатини ошириш, педагогик кадрларнинг билим ва малақасини халқаро даражага кўтаришдан иборат.³

Хулоса ва таклифлар. Хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини такомиллаштириш асосида соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини оширишнинг икки йўналиши мавжуд. Биринчиси, хизматлар соҳасига кўпроқ инвестицион ресурсларни йўналтириш орқали. Иккинчиси, соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини такомиллаштириш, яъни, мавжуд инвестицион ресурсларни тармоқлар бўйича тўғри тақсимланишини амалга ошириш орқали. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимизда мавжуд инвестицион салоҳиятдан келиб чиққан ҳолда, биринчи йўналишдан самарали фойдалана олмаймиз. Биз учун самарадорликни оширишнинг ягона йўли иккинчи йўналишни қўллаш ва бу орқали соҳага жалб этилган инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини оширишга эришимиз зарур.

<p>З.Мухаммедова</p> <p>Совершенствование отраслевой структуры сферы услуг как повышение эффективности инвестиционных ресурсов</p> <p>Аннотация: в статье описан структурный состав сферы услуг по отраслям и вопросы совершенствования этих отраслей. Также изучено влияние социального и научно-технического прогресса в обществе на формирование современной сферы услуг.</p> <p>Ключевые слова: сфера услуг, промышленность и отрасли, структурный состав, финансовые услуги, образовательные услуги, страхование и пенсионное обеспечение, транспорт.</p>	<p>Z.Mukhammedova</p> <p>Improving the sectoral structure of the service sector as an increase in the efficiency of investment resources</p> <p>Abstract: The article describes the structural composition of the service sector by industry and the issues of improving these industries. The influence of social, scientific and technological progress in society on the formation of a modern service sector has also been studied.</p> <p>Keywords: services, industry and sectors, structural composition, financial services, educational services, insurance and pensions, transport.</p>
--	---

¹ 2022 йилда Ўзбекистонда 80 трлн сўмдан ортиқ транспорт хизматлари кўрсатилди. // <https://kun.uz/news/2023/02/06/2022-yilda-ozbekistonda-80-trln-somdan-ortiq-transport-xizmatlari-korsatildi>

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси “Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг ривожланиши 2022 йилнинг январь-декабрь”нинг дастлабки маълумотлари.

³ Реформы в образовании – шаг в будущее страны. // <https://yuz.uz/ru/news/reform-v-obrazovanii---shag-v-buduee-stran>

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023